

## Махсус автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизматлар курсати

Shartnoma№ 11/22

Кукон шаҳар  
(shartnoma tuzish joyi)2022 yil 19 yanvar  
(shartnoma tuzish sanasi)

KOKAND AUTO TRADE MCHJ (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **Хасанов Лазиз Нуриллаевич**, bir tomondan, va "O'ZBEKGEOFIZIKA" AJ (00001 - Фаргона геофизика экспедицияси филиали) (bundan buyon - "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **USMONOV DAVLATJON MUHO'MADALIYEVICH**, ikkinchi tomondan, birgalikda "Taraflar", alohida esa "Taraflar" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

## 1. 1. Шартнома предмети

Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:

Shartnomaning umumiy miqdori O'n sakkiz million olti yuz o'ttiz ming so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).

№	Tovar nomi (xizmat)	Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikatsiya kodi va nomi	Tovar/xizmat shtrix kodi	O'lchov birligi	Miqdori	Narx	Yetkazish bahosi	QQS		Yetkazish bahosi QQS bilan
								stavka	summa	
1	Махсус автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизматлар курсати	11302001001000000 - Енгил автомобилларни диагностика қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат курсати		дона	6,00	2 700 000,00	16 200 000,00	15,0000	2 430 000,00	18 630 000,00

1. Шартнома предмети 1.1 "Бажарувчи" "Буюртмачи"ни талабига асосан махсус автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат курсатиш ишларини бажаради. "Буюртмачи" эса бажарилган ишларни қабул қилиб, ушбу шартномада белгиланган тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олади. 1.2 Бажариладиган ишлар рўйхати, миқдори ва тўлов суммалари буюртма-нарядларида акс эттирилади. 1.3 Зарур ҳолатларда иш бажарилиши учун лозим бўлган йиғмалар, эҳтиёт қисмлар, агрегат, аксессуарларни алмаштиради зарурат и бўлганида "Бажарувчи" буюртма-наряд асосида керакли эҳтиёт қисмларни етказиб бериш мажбуриятини олади. Уларни келтириш ва ўрнатилган буюртма-нарядда акс эттирилади.

## 2. 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 2.1 "Бажарувчи"нинг мажбуриятлари 2.1.1 Шартнома шартлари бўйича бажариладиган ишлар рўйхати буюртма-наряд билан расмийлаштирилиб, шартноманинг 3.2 бандида кўрсатилган сумма ўтказилганидан сўнг, автотранспорт воситаси топширилган вақтдан бошлаб "Бажарувчи" ушбу ишларни бажаради. "Буюртмачи" томонидан автотранспорт воситасини таъмирлаш ёки техник хизмат курсатиш учун олиб келиб, "Бажарувчи"нинг масъул ходимига топшириб, қилинадиган ишлар буюртма-нарядда қайд этилган вақтдан бошлаб автотранспорт воситалари "Бажарувчи"га топширилган ҳисобланади. 2.1.2 Шартномада назарда тутилган ишлар ва хизматларни амалдаги норматив ҳужжатлар талаблари асосида сифатли бажаради. 2.1.3 Иш якуни бўйича бажарилган ишларни бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани "Буюртмачи" топширади. 2.1.4 Капитал таъмирлаш ёки агрегат, эҳтиёт қисмларни алмаштиради зарурат и туғилганида бу ишларни амалга оширишдан олдин "Буюртмачи"ни олдиндан хабардор қилади.

## 3. 3 "Бажарувчи"нинг ҳуқуқлари

2.2 "Бажарувчи"нинг ҳуқуқлари 2.2.1 Автотранспорт воситасини сақланиши ва бутлигини ўз зиммасига олади. 2.2.2 Буюртмачи билан ўзаро келишган ҳолда бажарилган ишларни муддатидан олдин топшириши мумкин. 2.2.3 Шартномада кўрсатилган ишлар учун тўлов Буюртмачи томонидан тўлиқ амалга оширилгунча қадар автотранспорт воситасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

## 4. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари

2.3 "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари 2.3.1 "Буюртмачи" автотранспорт воситасини таъмирлаш ёки техник хизмат курсатиш учун буюртма-наряд асосида бажарувчига топширади. Ушбу топшириш бажарувчининг қуйидаги манзилгоҳида амалга оширилади: Кукон шаҳри, Турон кучаси, 97 уй. 2.3.2 Ушбу шартномада белгиланган шартларда бажарилган ишларни тўловини амалга оширади. "Буюртмачи" томонидан бажарилган иш-хизматлар учун олдиндан 70% тўловни амалга оширади, қолган 30% суммани иш бажарилган дан сўнг амалга оширади вамижоз олдиндан бажарилиши лозим бўлган иш ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳамда 30 иш кунини ичида тўланган олдиндан тўлов учун иш ва хизматлар бажарилиши белгиланган. 2.3.3 Бажарилган ишларни шартномада кўрсатилган ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган муддатларда, лекин "Бажарувчи"нинг ҳисобига пул маблағлари келиб тушган кундан кечиктирмасдан қабул қилиб олади. 2.3.4 Автотранспорт воситасини "Бажарувчи"га топшириш ва қабул қилиш учун Буюртмачи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома орқали вакил юборади.

## 5. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари.

2.4 "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари. 2.4.1 "Бажарувчи"дан бажарилган ишлар далолатномасини олган кундан бошлаб 3 кунлик муддатда имзолаб "Бажарувчи"га қайтаради. Бажарилган ишлар бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда бу ҳақда барча нўсонларни асосланган ҳолда кўрсатиб, бажарилган ишларни қабул қилишни рад этади.

## 6. Бажарилган ишлар қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

3. Бажарилган ишлар қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби 3.1 Бажарувчининг 15% ҚҚС орқали ҳисоб-фактураси ва бажарилган ишлар далолатномаси тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади. 3.2 Шартноманинг умумий қиймати 16 000 000 (ун олти миллион) сўм. 3.3 Шартнома имзоланганидан сўнг "Буюртмачи" бажарилган ишларга мувофиқ "Бажарувчи"нинг ҳисобига пул ўтказиш йули билан пул тўлайди. 3.4 "Буюртмачи" томонидан тақдим қилинган ҳисоб-варақ ҳамда бажарилган ишлар далолатномасида қайд этилган тўловлар "Буюртмачи" томонидан тўлиқ амалга оширилгунча қадар "Бажарувчи" кейинги ишларни бажаришга киришмаслик ҳуқуқига эга.

## 7. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.Тарафларнинг жавобгарлиги 4.1 Шартнома шартларида белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. 4.2 Ишларни бажариш муддатлари "Буюртмачи" томонидан тўловларни амалга оширилмагани ёки ишларни бажариш учун автотранспорт воситалари ўз вақтида бажарувчига топширмагани сабабли бузилган тақдирда, "Бажарувчи" шартнома бўйича белгиланган жавобгарликдан озод бўлади. 4.3 Автотранспорт воситасини хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун лозим бўлган таъмирлаш ишларини бажариш, шуниингдек агрегатлар ва эҳтиёт қисмларни алмаштириш тартиби "Буюртмачи" томонидан маъқулланмаган ва тўловлар амалга оширилмаган ҳолатда "Бажарувчи" ушбу транспорт воситасини хавфсиз эксплуатация қилинишига жавобгар бўлмайди.

## 8. Шартномани амал қилиш муддати

5.Шартномани амал қилиш муддати 5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31-декабр кунига қадар амал қилади. 5.2 Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши ёхуд шартномани бекор қилиш ҳақидаги тақлиф қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида бир томонлама бекор қилиниши мумкин.Шартномани муддатидан олдин бекор қилиниши келгусида тарафларнинг шартнома юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 9. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби 6.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан ҳар қандай келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви орқали ҳал қилиниши ёки амалдаги қонун талабларига кўра иккитасодий судлари орқали ҳал этилиши мумкин.

## 10. Қўшимча шартлар


7.Қўшимча шартлар 7.1 Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгариш иш ва қўшимчалар тарафларнинг ёзма келишувларига асосан амалга оширилади. 7.2 Бажарувчи томонидан қўшимча ишлар қўшимча тузилган буюртма-нарядга асосан бажарилади. 7.3 Шартнома шартларини бажариш учун лозим бўлган реқвизитлари ўзгарган тараф бу ҳақда зудлик билан бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.Агарда реқвизитлари, юридик манзиллари ўзгарган

тараф бу ҳақда иккинчи тарафни лозим даражада хабардор қилмаган бўлса, хатлар бошқа ёзишма ва тўловлар эски реквизитлар асосида бажарилади. Бу ҳолат да иккинчи тарафдан жўнатилган хатлар ва бошқа ёзишмалар амалда жўнатилган ҳисобланади. 7.4 Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз зиммаларига олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини олдиндан келишмасдан туриб, учинчи тараф фойдасига воз кечишга ҳақли эмаслар. 7.5 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тuzилиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

## 11. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

### IJROCHI

**Nomi:** KOKAND AUTO TRADE MCHJ  
**Manzili:** Кукон шаҳар Турон кучаси кучаси 62-уй.  
**Tel.:** +998(90)-309-74-  
**Faks:**  
**STIR:** 302987954  
**OKED:** 45112  
**H/R:** 20208000200361081001  
**Bank:** КУКОН Ш., "АСАКА" ДАТ БАНКИНИНГ КУКОН ФИЛИАЛИ  
**MFO:** 00631



### BUYURTMACHI

**Nomi:** "O'ZBEKGEOFIZIKA " AJ (00001 - Фаргона геофизика экспедицияси филиали)  
**Manzili:** ЯНГИАБАДYANGIOBOD Q.F.Y  
**Tel.:** +99871 264 8484  
**Faks:**  
**STIR:** 201577724  
**OKED:** 71120  
**H/R:** 20210000400495026001  
**Bank:** ТОШКЕНТ Ш., АТ САНОАТ-КУРИЛИШ БАНКИНИНГ ХАМЗА ФИЛИАЛИ  
**MFO:** 00432

